


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

Turks. In addition to the settled local population, dozens of nomadic and semi-nomadic ethnic groups such as Qarluq, Chigil, Qangli, Yaghmo, Khalaj, Argin, Tukhsi, Qipchak also lived in the oases, steppes and foothills. They lived in different parts of Mawarannahr. In particular, the fact that during this period Qangli lived in the lower reaches of the Syrdarya, in the Khwarazmian and Zarafshan valleys, and in Samarqand, where their army numbered about 30,000 and reached above 90,000 in Khwarazm, indicates their substantial number. Over the years such nomadic and semi-nomadic ethnic groups became closer to the local population by eventually settling down and adopting their culture. In short, in the 13th-century the ethnic map of Mawarannahr became more diverse and the population of the region declined sharply due to the Mongol invasion and its peculiar migration policy. During this period, just from the territory of Khwarazm more than a thousand families were forced to move to neighboring regions.

Key words: *Khwarazmshahs, primary sources, ethnic processes, Turks, Sogdians, Mongols, Turko-Mongols, tribes.*

А. Замонов

Бухоро Шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар

Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр ва Хуросонда XVI асрда юз берган тарихий воқеалар ҳақида ёритилган манбалар анчагина. Уларнинг айримлари Шайбонийлар даври (1500–1601) ҳарбий сиёсатига оид масалаларни қамраб олади. Манбаларда Бухоро хонлиги (Шайбонийлар сулоласи даври) ҳарбий сиёсатига оид маълумотлар оз бўлишига қарамай, улар бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Мавзу юзасидан керакли ва баъзи ҳолларда умумий маълумот олиш учун бу манбалар алоҳида аҳамиятга эга.

Шайбонийлар даври ҳарбий соҳаси билан боғлиқ манбаларни қуйидача туркумларга ажратиш мумкин: 1) форс тилидаги манбалар; 2) туркий-ўзбек тилидаги манбалар; 3) хорижий сайёҳ ва элчилар эсдаликлари.

1. Форс тилида ёзилган манбалар сирасига кирувчи Мулла Шодийнинг (XV аср охири, XVI аср биринчи чорагида яшаган) “Фатҳнома” (Фатҳ – арабча эгаллаш, нома эса бадий адабиётда шахс фаолияти оид достон, бирон мавзу мадҳи), Камолиддин Биноийнинг (1453–1512) “Шайбонийнома” (“Шайбонийхон фатҳлари”), Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳхоннинг (1457–1530) “Меҳмонномайи Бухоро”, Мирза Ҳайдарнинг (1500–1551) “Тарихи Рашидий” (“Рашид тарихи”), Ғиёсиддин

Хондамирнинг (1476–1534) “Ҳабиб ас-сияр фи ахбори афроди башар” (“Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст”), Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг (1549–1589) “Абдулланома” (“Шарафномаи шоҳий”), Муҳаммадёр ибн Қатағоннинг (1560/1570–1619) “Мусаххир ал-билод” (“Мамлакатларнинг эгалланиши”), Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг (XVI аср) “Тарихи Абулхайрхоний” (“Абулхайрхон тарихи”) асарлари Шайбонийлар даври ҳарбий-сиёсий жараёнларига оид манбалар сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир [6; 12; 13; 14; 17; 18; 23; 25; 26; 27].

“Фатҳнома” тарихий мавзудаги шеърий достон бўлиб, асар Шайбонийхоннинг (1451–1510; 1500–1510 йилларда Мовароуннаҳр ҳукмдори) иниси Маҳмуд Султон (1454–1504) топшириғи билан 1502 йилда ёзилган. Унда Шайбонийхон таваллуд топгандан (1451) то 1501 йил июнгача бўлган асосий ҳарбий-сиёсий воқеалар кенг ёритилган. Достонда Шайбонийхоннинг Туркистон, Андижон, Бухоро, Қарши вилоятларидаги ҳарбий ҳаракатлари ҳамда қўшин сафлаш борасидаги маҳорати тасвирлаб берилган [4: 199]. Асарнинг 5 та нусхаси мавжуд бўлиб, ҳанузгача бирорта тилга тўлиқ таржимаси амалга оширилмаган. Унинг бир қўлёзмаси нусхаси Тошкентда, ЎзР ФА Шарқшунослик институтида хазинасида № 5369 ашё рақам билан сақланмоқда [14].

Шоир ва тарихнавис олим Камолиддин Биноийнинг форс тилида битилган “Шайбонийнома” асарида (1505–1507 йилларда ёзилган) Шайбонийхон таваллудидан то Дашти Қипчоқ ўзбеклари томонидан Мовароуннаҳр ва Хоразмни 1505 йили бўйсундирилишига қадар бўлган воқеалар ҳикоя қилинади [4: 200]. Асарнинг қўлёзма нусхалари кўп, булардан бири хоразмлик машҳур тарихчи ва таржимон Муҳаммад Юсуф Баёний (1858–1923) томонидан 1914–1915 йилларда ўзбек тилига таржима қилинган. Мазкур асарда Биноий Шайбонийларнинг қалъаларни қамал қилиш тадбирлари, қўшиннинг моддий ва ҳарбий анжомлар билан таъминоти ҳамда уларнинг жангдан бўш пайтлардаги машғулотлари (хусусан, 1502 йилда Зарафшон дарёси устидаги кўприк қурилиши, қалъаларни таъмирлаш, ов орқали машғулот ўташи ва ҳ.к.) ҳақида қимматли маълумотларни беради [5: 9, 10, 11].

Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳҳон Шайбонийхон ва Убайдуллоҳхон (1486–1540; ҳукмронлик йиллари 1533–1540 йилларда Бухоро хони) саройида яшаб бир неча тарихий ва адабий асарлар яратди. Улар ичида 1509 йили ёзилган “Меҳмонномайи Бухоро” асари XVI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда кечган ҳарбий-сиёсий жараёнлар тарихи учун муҳим ўрин тутади. Асарда Шайбонийхоннинг 1508–1509 йилларда қозоқ султонлари улусига қилган ҳарбий юриши баён қилинади. Шайбонийхон ҳаётининг охирги 5–6 йилларида Рўзбеҳҳон доимо у билан бирга бўлган, машваратлар

ва ҳарбий юришларнинг деярли барчасида иштирок этган ҳамда кўрган-билганларини мазкур асарига киритган [24: 30].

Ҳозирги кунгача асарнинг фақат икки қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган: бири – ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 1414 ашё рақами билан сақланадиган муаллифнинг дастхатидир; иккинчиси – Истанбулдаги Нури Усмония кутубхонасида мазкур дастхатдан кўчирилган нусхадир. Тошкент қўлёзмаси асосида 1976 йили Р. Жалилова “Меҳмонномайи Бухоро”нинг фотофаксимили ва қисқартирилган русча таржимасини нашр қилди [23].

Асарда Шайбонийхоннинг ҳарбий кенгаши ва унда қатнашган Шайбоний султонлар номма-ном саналган. Рўзбеҳхон ўзи гувоҳ бўлган Шайбонийхон ҳарбий юришлари, хусусан, қозоқлар устига юриши воқеалари, шу жумладан, қўшинларнинг ҳарбий сафга тизилиши, уларнинг қуроллари, қўмондонлар маҳорати ва ўлжалар тақсимотидаги ўзига хосликларни моҳирона баён қилган [23: 63, 64, 103, 104].

Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асари Марказий Осиё ва унга туташ минтақалар тарихига доир муҳим манбалардан биридир. Асар ўтган асрнинг ўрталаридан илмий жамоатчилик эътиборини жалб этиб келади. Унинг тўлиқ русча таржимаси 1996 йили [13] ва ўзбекча нашри 2010 йили Тошкентда чоп этилган [17]. Асарда XVI аср бошларида Мовароуннаҳрдаги сиёсий воқеалар муаллифнинг кўрган-кечирганлари асосида ёзилган. Унда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483–1530; ҳукмронлик йиллари 1494–1530) Шайбонийхон ҳамда Шайбоний султонлар билан олиб борган ҳарбий ҳаракатларига доир (ҳар иккала қўшиннинг миқдори ва улар ўртасидаги тафовут, аскарларнинг этник таркиби ва турли ҳудудлардан эканлиги, қалъалар тавсифи ҳамда жанг усуллари ва ҳ.к.) маълумотлар мавжуд [17: 243, 244, 246, 346, 347, 348, 349, 350].

Ғиёсиддин Хондамирнинг 1521–1524 йилларда ёзилган “Ҳабиб ас-сияр” асари ҳам XVI асрнинг биринчи чорагидаги ҳарбий-сиёсий тарихни ўрганишда муҳим манба бўлиб, унинг қўлёзма нусхалари кўп. Асар матни 1857 йили Бомбейда ва 1954 йили Теҳронда чоп қилинган. Унда Шайбонийлар ва Бобур ўртасида ҳарбий тўқнашувлар ва Шайбонийларнинг Дашти Қипчоқ услубидаги саҳро жанглари, пистирманинг ўзига хослиги, “қочиб урушиш”, шабихун (тунги ҳужум), қамал усуллари, ҳарбийларнинг либоси ва қуролланиш анъаналари ҳақида қимматли маълумотлар учрайди [25: 104,105, 129, 136, 142, 143, 159, 283, 288].

Шайбонийлар даврининг ҳарбий-сиёсий воқеалари нисбатан муфассал баён этилган Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланома” асари алоҳида аҳамиятга эга. Асарнинг қўлёзма нусхалари кўп, асл матннинг учдан икки қисмини санкт-петербурглик олима М. Салоҳиддинова русча таржимаси билан чоп этган. Китоб 1942–1952 йиллари С. Мирзаев ва охирги қисми

Ю. Ҳакимжонов томонидан 60-йилларда ўзбек тилига таржима қилинган. У 1995–1997 йилларда икки китоб ҳолида Б. Аҳмедов томонидан нашр этилди [26; 26].

Асарда Шайбонийлар ҳарбий санъатига оид қимматли маълумотлар бошқаларига қараганда бир оз кенгроқ ёритилган. Унда қўшиннинг олий ҳукмдор иштирокида ҳарбий кўрикдан ўтказилиши, қуролланиш, моддий таъминот, қалъаларнинг кўриниши, уни таъмирлаш борасидаги тадбирлар, уларнинг қамал ёки мудофаа қилиниш усуллари, жанг қилиш тактикалари, ҳарбий мансабдорлар ва уларнинг вазифалари, ҳарбий қисмлар қўмондонлари ҳамда уларни тайинлаш тамойиллари, янгича қуроллар (тўфанг) ҳамда уларни ишлатадиган муҳандис (уста Руҳий)лар, ҳарбий тайёргарликлар хусусидаги қимматли маълумотларни учратамиз [26: 57, 92, 93, 135, 154, 194,199, 201, 203, 223, 243, 254, 255].

Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон ва унинг “Мусаххир ал-билод” асари яқин вақтларгача илмий жамоатчиликка яхши маълум бўлмаган. Асримиз бошида унинг мустақил асар эканлиги аниқланди ва 2009 йилда И. Бекжонов, Д. Сангировалар томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, нашр этилди [18].

“Мусаххир ал-билод”да ҳам худди “Абдулланома” сингари Шайбонийларнинг ҳарбий тизими ҳақидаги маълумотлар бошқа манбаларга қараганда бир оз кенгроқ ёритилган. Хусусан, унда қўшиннинг асоси қалб деб аталувчи марказий қисм, баронғор (ўнг қанот) ва жавонғор (чап қанот) қисмлардан ва ҳировул (қўшиннинг орқа қисми)дан ташкил топганлиги, саркардалар ўғлон деб аталганлиги, қўшин олдида манглай деб аталувчи ҳарбий қисм ярим доира шаклида саф тортиб борганлиги ҳамда унинг олдида эса тез ҳаракатланувчи кичик жанговор қисм – илғор бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар учрайди [18: 140–144]. Бундан ташқари, қўшин таъминоти, хусусан, ўлжаларнинг тақсимланиши, қуролланиш, жанг пайтидаги мусиқа асбобларининг вазифалари, жанг усуллари, қалъаларни эгаллаш усуллари, айғоқчилик, маълумот тўплаш, чопарлар вазифалари, ҳарбий мансаблар тавсифлари бадиий услубда ёритилган [18: 78, 79, 81, 119, 133, 135, 137, 139, 141, 268, 316, 317, 326, 327, 328].

Шайбонийлар даврига оид яна бир муҳим манба Шайбоний Абдулатиф Султон (1540–1551 йилларда Самарқанд хони) ҳукмронлигининг бошларида Шайбоний Кўчкунчихоннинг собиқ (ваф. 1530; 1510–1530 йилларда Самарқанд хони) котиби Масъуд ибн Усмон Кўҳистоний тарафидан ёзилган “Тарихи Абулхайрхоний” асаридир. Асарда Дашти Қипчоқда Абулхайрхон давлатига асос солиниши, Муҳаммад Шайбонийхон ва унинг Мовароуннаҳрга келиши, қўшини, саркардалари, уларнинг қайси уруғга мансублиги (буркут, дўрмон, ийжон, кенегас, қиёт, қўнғитор, қушчи,

масит, тубойи, уйшин, қудағай, манғит, мулуж, найман, уйғур, чимбой, қорлиқ, нукуз, тимат, туман-минг, ўтарчи ва ҳ.к.), ҳарбий ҳаётдаги турмуш тарзи сингари маълумотлар келтирилган [22: 225].

2. Бу даврга оид манбалар ичида туркий-ўзбек тилида яратилган асарлар алоҳида ўрин тутади. Туркий тилларда ёзилган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” (“Вақоиъ”), муаллифи номаълум “Таворихи гузида” (“Сайланма тарих”) – “Нусратнома” (“Ғалабалар китоби”), Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Абдуллоҳ Насруллоҳийнинг (XV аср иккинчи ярми – XVI аср биринчи чораги) “Зубдат ал-асар” (“Солномалар сари”), Абулғозий Баҳодирхоннинг (1603–1664; ҳукмронлик йиллари 1643–1664) “Шажарайи турк” (“Туркий халқлар шажараси”) асарларида [2; 3; 10; 11; 15; 16; 20; 21] Бухоро Шайбонийларининг ҳарбий сиёсати тўғрисида баъзи маълумотлар мавжуд.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари туркий-ўзбек тилида 1493–1529 йиллардаги воқеаларни ўз ичига олган асардир. Ундан Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, географияси, этнографияси, ҳарбий санъатига оид нодир ва қимматли маълумотларни топиш мумкин. Асарнинг асли номи “Бобурия” бўлса-да, уни “Воқеанома”, “Тузуки Бобурий”, “Воқеоти Бобурий” деб атаганлар, кейинчалик асар “Бобурнома” номи билан машҳур бўлиб кетди. “Бобурнома” кўплаб тилларига таржима қилинган. “Бобурнома”нинг тўлиқ ўзбекча матни 1960 йили чоп этилди [11]. 2008 йилда “Бобурнома”ни ҳозирги ўзбек тилига В. Раҳмонов ва К. Муллахўжаевалар тадбил қилганлар [10].

“Бобурнома”да Бобурнинг Самарқанд тахти учун Шайбонийхон билан олиб борган кураши батафсил ёритилган. Шунингдек, 1512 йилнинг баҳорида Кўли Малик деган жойда Шайбонийлардан Убайдуллоҳхон, Муҳаммад Темур султон (ваф. 1514; 1504–1514 йилларда Самарқанд ҳокими), Жонибек султоннинг (ваф. 1529; 1504–1510 йилларда Ахси ва Андижон, 1512–1529 Кармана ва Миёнқол ҳокими) бирлашган кучлари билан жанги ҳам қаламга олинган. Асарда кўчманчи ўзбеклар қўшинининг тузилиши тўғрисида ҳам тафсилотлар ўрин олган. Бундан ташқари, ўша даврдаги қалъаларнинг тасвири ва уларнинг эгалланиш тартиблари, қалъабеги, қўрчи, тавочи, удайчи, тўқсобо, тўра, чоғдовул, байроқдор, жибагар, раъдандоз сингари ҳарбий матахассис ва мансаблар, зарбзан, зеҳгир, тўра (қалқон), шоти, жиба, тўфанг, шашпар (олти қиррали гурзи), чўқмор, кестан, табарзин сингари ҳарбий аслаҳалар ҳақида маълумотлар берилган [10: 35, 55, 65, 67, 81, 83, 89, 127, 161, 164, 167, 168, 249, 255, 257, 261, 265, 281]. Шайбонийларнинг Темурийлар қўшинини таҳликага солиб қўядиган машҳур жанг усули – “тўлғама” ҳам илк бор “Бобурнома” асарида тилга олинади [10: 81].

Туркий-ўзбек тилидаги “Таворихи гузида”, “Нусратнома” номли тарихий асар XVI асрда яратилган, бироқ муаллифи аниқланмаган. Ушбу асар 1502–1505 йилларда ёзилган бўлиб [4: 188], икки мустақил қисм – “Таворихи гузида” ва “Нусратнома”дан иборат. Иккинчи қисмда Шайбонийхон таваллудидан то унинг Мовароуннаҳрни истило қилишигача бўлган даврдаги Дашти Қипчоқ ҳамда Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи баён қилинган. Асарнинг қимматли томони шундаки, унда содир бўлган воқеаларнинг вақти аниқ кўрсатилган. Унда Бобурнинг Самарқандга келгани, Шайбонийхон лашкарининг шаҳарни қамал қилгани ва эгаллагани, Жонибек султон ва Маҳмуд султоннинг Шоҳрухияга юриши ҳамда Хўжандгача етиб боргани ва айниқса, Фарғона вилоятининг Шайбонийхон томонидан босиб олиниши фақат шу асарда тўғри ва тўлиқ ёритилган [20].

“Таворихи гузида”, “Нусратнома” асарида Шайбонийларнинг ҳарбий юришлари, юриш чоғидаги ҳарбий қисмлар ва улардаги аскарлар миқдорлари, саркардаларнинг номма-ном саналиши ҳамда уларнинг қайси уруғга мансублиги масалалари, ҳарбий ўлжалар, уларнинг аниқ сони ҳақидаги қимматли маълумотлар мавжуд [21: 135, 139, 140, 141, 142].

Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асари назмда ёзилган достон бўлиб, у Муҳаммад Шайбонийхоннинг 1499–1506 йиллар орасидаги юришларини акс эттирувчи муҳим тарихий асардир. “Шайбонийнома” Европа мамлакатлари ва Ўзбекистонда бир неча бор нашр этилган. Хусусан, бу асар 1961 йилда Насрулло Даврон ва 1989 йилда Эргашали Шодиев тарафидан нашр этилди [15; 16].

Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома” асаридан Шайбонийхоннинг Самарқандни қамал қилиши ва унинг тафсилотлари, қўшинининг сафга тизилиш тартиблари, қамал қуроллари – жавшан, шоти, тахш (катта ўқ отадиган қурол), худ (дубулға), қилич, узун найза сингари қуроллардан фойдаланилгани, қўшиннинг темир янглиғ зирҳли кийиниши тасвирланган. Асарда 1501 йил Бобур ва Шайбонийхон ўртасидаги ўтган жанглар, қамал туфайли шаҳар аҳолиси чеккан машаққатлар бадиий услубда ёритилган [16: 61, 72, 74, 78, 89, 93, 110].

Абдуллоҳ Насруллоҳийнинг “Зубдат ал-асар” номли тарихий асари 1525 йили Суюнчхўжанинг ўғли, Шоҳрухия ҳокими Султон Муҳаммаднинг (Келди Муҳаммад, 1480– 1532; 1517–1525 Шоҳрухия, 1525–1532 йилларда Тошкент ҳокими) топшириғи билан ёзилган. Асарнинг фақат иккита қўлёзмаси сақланиб қолган: бири Тошкентда [2], иккинчиси Санкт-Петербургда сақланади. Асарнинг иккинчи қисмида Шайбоний султонлар – Суюнчхўжахон (1454–1525; Тошкент ҳокими: 1503–1511, 1512–1525, Бухоро хони: 1511–1512), Кўчкинчихон (1452–1530; Бухоро хони: 1512–1530), Жонибек султон, Убайдуллоҳхон, Муҳаммад Темурларнинг Мовароуннаҳр

ва Хуросондаги ҳарбий юришлари, Суюнчхўжа султон ва Қошғар хони Султон Саидхон (1487–1533.; ҳукмронлик йиллари 1414–1533) ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар, Шайбонийлар ва қозоқ хони Қосимхон (1445/1455?–1521; ҳукмронлик йиллари 1511–1521) ўртасида содир бўлган ҳарбий ҳаракатлар ҳақида бирмунча кенг баён этилган [4: 190].

Хива хони ва тарихчи олим Абулғози Баҳодирхон ёзган “Шажарайи турк” (1664) асарининг сўнгги, IX бобида 1511 йилдан Хоразмда ҳукмронлик қилган Шайбонийлар (арабшоҳлар), уларнинг Бухоро Шайбонийлари билан ўзаро алоқалари ҳақида маълумотлар мавжуд [3: 110, 115].

Асарда Бухоро Шайбонийлари – Убайдуллоҳхон ва Абдуллахон II (1534–1598; ҳукмронлик йиллари 1583–1598) томонидан Хивага уюштирилган ҳарбий юришлар ва улар билан боғлиқ айрим ҳарбий-сиёсий жараёнлар тилга олинган. Жумладан, Бухоро хонларининг юриш сабаблари, аскарларининг сони, ҳарбий саркардалар номлари, олинган ўлжалар ва халқ устига солинган ўлпон, унинг миқдори, Бухоро қўшинларининг жанг тактикалари ҳақидаги айрим маълумотлар мавжуд [3: 133, 134, 136, 151, 152, 154, 156].

3. Муаллифларнинг шахсий хотиралари асосида ёзилган асарлардан Зайниддин Восифийнинг (1485–1551) “Бадойиъ ал-вақоеъ” (“Нодир Воқеалар”), турк адмирали Сейди Али Реиснинг (XVI аср) “Миръот ал-мамолик” (“Мамлакатлар кўзгуси”), “Москва компанияси” элчиси Антоний Женкинсоннинг (1529–1611) “Россиядаги Москвадан Бақтриядаги Бухоро шаҳригача 1558 йилга саёҳат” номли эсдаликларида муҳим маълумотлар мавжуд [7; 8; 9; 19; 22].

Восифийнинг эсдаликлар тарзида ёзилган “Бадоеъ ал-вақоеъ” асари, XV асрнинг охири – XVI аср бошларида Марказий Осиё, Хуросон ва қисман Эрондаги ҳарбий-сиёсий воқеалар ҳақида айрим қимматли ва зарур маълумотлар учрайди. “Бадоеъ ал-вақоеъ”нинг бизгача кўплаб нусхаларда етиб келган. Унинг бир қанча нусхалари ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда [1]. Асар 1979 йили ўзбек тилига таржима қилинган [9].

Асарда Восифий саёҳати давомида ўзи гувоҳ бўлган, кўрган Самарқанд қалъаси деворлари, хандақининг тузилиши, шаҳар ичидаги айрим мудофаа билан боғлиқ иншоотларни тасвирлаган. Унинг 1513 йил ноябрь ойида Шайбоний султонлар ва Амир Аҳмад (Нажми Соний; 1512 йил ҳалок бўлган) ўртасидаги жангнинг содир бўлиш сабаблари, бу жараёнга Туркистондан келган шайх Мир Араб лақабли амир Сайид

Абдулланинг (ваф. 1536) бевосита аралашуви[1], Амир Аҳмад ва Шайбоний султонларнинг қўшинлари сони ҳақидаги маълумотлари қимматлидир [9: 39, 40, 47, 49].

Сейди Али Раиснинг “Миръот ал-мамолик” номли ҳажм жиҳатидан кичик, лекин сермазмун асари XVI асрнинг ўрталарида Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиё ва Эрон мамлакатларида сиёсий вазиятни яхши билган, ўзаро курашлар, ўрта аср денгиз флоти, қуруқликдаги ҳарбий кучларнинг мувозанати, давлатлар ўртасидаги дипломатик ва ҳарбий муносабатлардан хабардор бўлган киши томонидан ёзилганлиги сабабли, фактлар ниҳоятда аниқ ҳамда муфассал тасвирланган. Асар 1963 йилда Тошкентда ўзбек тилига таржима қилинди [19].

Сейди Али Раис 1556 йили Мовароуннаҳрга Бароқхон – Наврўз Аҳмадхон (ваф. 1556; Тошкентдаги ҳукмронлик йиллари 1525–1551, Самарқанддаги ҳукмронлик йиллари 1551–1556), Пирмуҳаммадхон (ваф.1567; Балхдаги ҳукмронлик йиллари 1546–1567), Бурҳон султон (ваф. 1556; Бухородаги ҳукмронлик йиллари 1540–1556)ларнинг Бухородаги ўзаро курашлари даврида келган ва бевосита ҳарбий тўқнашувларнинг гувоҳи бўлган. У Бароқхон қўшини таркибида бир қанча турк аскарлари (яничар) бўлганлиги, Рум (усмонли турк) султони Бароқхонга бир қанча милтиқ отувчилар ва қалъа тўплари юборганлиги, Бурҳон султон қўшини таркибида қирқта румлик аскар борлиги, ҳатто, асар муаллифининг ўзи элчи сифатида қамалда бўлган бошқа бир томонга бориб, турк аскарларига таслим бўлиш тўғрисида таклиф билан мурожаат қилиб, жараёнга аралашувлари, Шайбонийлар қўшини доимо дубулға ва совут кийиб жанга кириши каби жараёнларни баён қилган [19: 97, 98, 101, 103].

“Москва компанияси” элчиси Антоний Женкинсоннинг (XVI аср) “Россиядаги Москва шаҳридан Бақтриядаги Бухоро шаҳригача 1558 йилга саёҳат” номли эсдаликлари ҳам муҳим тарихий манба сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Бу асар муаллифи Москва князи Иван Грознийнинг (1530–1583; ҳукмронлик йиллари 1533–1584) элчиси сифатида Бухорога келган Англия фуқароси А.Женкинсон бўлиб, унинг саёҳати тафсилотлари 1937 йилда Ленинградда рус тилида [7], 2017 йилда Тошкентда ўзбек тилида [8] нашр этилган.

Асарда Хива ва Бухоро хонликлари тўғрисида, хусусан, коммуникация йўллари, шаҳар ва қалъалари, қўшинлар, ҳарбий-сиёсий

[1] Шайбоний султонларнинг барчаси ҳар томонга тарқаб, Нажми Соний билан жанг қилмаслик учун чекинишга қарор қилиб турган бир пайтда, Саййид Абдулла ҳар бир шайбоний султон билан кўришиб, уларни бирлашиб жанг қилишга ундайди.

вазият, ҳарбий-маъмурий амалдорлар ва уларнинг мавқеи ҳамда бошқа тегишли маълумотлар мавжуд [7: 183, 184, 186].

Умуман олганда, Шайбонийлар даври ҳарбий сиёсати, қўшин тузилиши ва бошқаруви мавзусига доир манбалар таҳлилидан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

– маҳаллий манбаларда Шайбонийлар ҳарбий тизими ҳақида маълумотлар мукаммал даражада эмас. Чунки сарой тарихчилари ёки солномачилари учун ҳарбийларнинг сони, уларнинг ҳарбий таъминоти, жойлашуви, жанг тактикалари янгилик бўлмаган, шунинг учун бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмаган;

– мазкур манбаларда ҳукмдорлар ёки ҳукмрон сулола аъзоларининг шахсий, оилавий, фаолиятларига алоҳида урғу берилган, қўшинлар, уларнинг ҳолати, йиғиш тартиблари, таъминоти кейинги даражага тушиб қолган;

– ўрта асрларда яратилган манбаларда тарихий жараёнлар талқини асар муаллифининг дунёқараши, фикрлаш даражаси ва ҳукмрон диний қарашлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда талқин этилган. Шу боисдан ҳам “денгиз янглиғ қўшин”, “саҳродаги қумлар мисоли кўп сонли аскарлари”, “темир тоғни эслатувчи зирҳли қўшин” сингари бадиий ташбеҳлар билан қилинган баёнлар бу даврдаги ҳарбий соҳани аниқ маълумотлар асосида ўрганиш имконини бермайди. Лекин шундай бўлса-да, “Абдулланома”, “Мусаххир ал-билод” сингари асарлар Шайбонийлар даври ҳарбий тизими ҳақида нисбатан кенгроқ маълумотлар беради. Келгусида бу масалани алоҳида мавзу сифатида тадқиқ этиш зарур. Бу тарих фани учун керакли маълумотлар ва илмий хулосаларни қўлга киритилишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдувосидова И. Бухоро хонлигида адабий муҳит. Тошкент, 2008.
2. Абдуллоҳ Насруллоҳий. Зубдат ал-асар. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 608.
3. Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк / Нашрга тайёрловчилар: Қ.Муниров, Қ. Маҳмудов. Тошкент, 1992.
4. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент, 2001.
5. Биноий К. Шайбонийнома // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. XVI–XIX асрлар / Нашрга тайёрловчи: Н.Ҳабибуллаев. Тошкент, 2014. Б. 7–12.
6. Биноий. Шайбонийнома. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 3422.
7. Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию. 1558–1560 гг. / Перевод с английского Ю.В. Готье // Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. Ленинград, 1937. С. 167–192.

8. Женкинсон А. Россиядаги Москвадан Бақтриядаги Бухоро шаҳригача 1558 йилги саёҳат / Рус тилидан таржима, кириш, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Б. Аминов ва А. Замонов. Тошкент, 2017.
9. Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ / Форс тилидан Н. Норқулов таржимаси. Тошкент,1979.
10. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Ўзбек тилига табдил ва изоҳлар П. Шамсиев, С. Мирзаев, Э. Мано, С. Ҳасанов томонидан тайёрланган. Тошкент, 2008.
11. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи: П. Шамсиев, С. Мирзаев. Тошкент, 1960.
12. Масъуд ибн Усмон Қўҳистоний. Тарихи Абулхайрхоний. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 9889.
13. Мирзо Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди // Введ. пер. с перс. А. Урунбаева. Примеч. и указ. Р.П. Джалиловой, П.М. Епифановой. Ташкент, 1996.
14. Мулла Шодий. Фатҳнома. ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, инв. № 5369.
15. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома / Нашрга тайёрловчи: Насруллоҳ Даврон. Тошкент, 1961.
16. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома / Нашрга тайёрловчи: В. Раҳмонов. Тошкент, 1989.
17. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий / Таржима ва изоҳлар муаллифлари В. Раҳмонов, Я. Эгамова. Тошкент, 2010.
18. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифлари: И. Бекжонов, Д. Сангирова. Тошкент, 2009.
19. Сейди Али Раис. Миръот ул-мамолик / Таржима ва изоҳлар муаллифи: Ш. Зуннунова. Тошкент, 1963.
20. Таварих-и гузида – Нусрат-наме. / Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений А.М. Акрамов. Ташкент, 1967.
21. Таворихи гузида – Нусратнома // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. XVI–XIX асрлар / Нашрга тайёрловчи: Н. Ҳабибуллаев. Тошкент, 2014. Б. 132–148.
22. Тарихий манбашунослик / Тузувчилар: А. Мадраимов, Г. Фузаилова. Тошкент, 2006.
23. Фазлуллах ибн Рузбехон Исфахани. Михман-нама-йи Бухара (Записки бухарского гостя). // Перевод, предисловие и примечания Р.П. Джалиловой. Москва, 1976.

24. Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон. Меҳмонномаи Бухоро. // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. XVI–XIX асрлар / Нашрга тайёрловчи: Н. Ҳабибуллаев. Тошкент, 2014. Б. 30–35.
25. Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ас-сияр фи ахбори афроди башар / Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи: И. Бекжонов. Тошкент, 2011.
26. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома / Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси, илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б. Аҳмедов. 1-китоб Тошкент, 1999.
27. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома / Форс тилидан С. Мирзаев ва Ю. Ҳакимжонов таржимаси, илмий муаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б. Аҳмедов. 2-китоб. Тошкент, 2000.

А. Замонов

Бухоро Шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар

Шайбонийлар даври тарихи нисбатан кам ўрганилган, бугунги кунда ўрганилиши долзарб бўлган мавзулар сирасига киради. Мақолада Бухоро хонлигида Шайбонийлар даврида мавжуд ҳарбий соҳа, қўшин тузилиши ва бошқаруви ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган форс, туркий ўзбек тилидаги манбалар ҳамда сайёҳ ва элчиларнинг эсдаликлари таснифланган. XVI асрда Дашти Қапчоқ, Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихига оид манбалар талайгина. Улар бевосита ҳарбий соҳага бағишланган бўлмаса-да, келтирилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларга оид маълумотлардан ўрганилаётган мавзу доирасидаги масалалар ажратиб олиниб, илмий шарҳ амалга оширилди. Шайбонийлар даврида оид асарларнинг тили ва муаллиф ҳолатига қараб уч гуруҳда таснифланди: 1) форс тилидаги манбалар; 2) туркий – эски ўзбек тилидаги манбалар; 3) хорижий сайёҳ ва элчилар эсдаликлари.

Манбаларнинг аксарияти форс тилида ёзилган бўлиб, уларда тарихий жараёнлар талқини асар муаллифининг дунёқараши, фикрлаш даражаси ва ҳукмрон диний қарашлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда талқин этилган. Шу боис, мазкур асарларда “денгиз янглиғ қўшин”, “саҳродаги қумлар мисоли кўп сонли аскарлари”, “темир тоғни эслатувчи зирҳли қўшин” сингари бадиий ташбеҳлар билан қилинган баёнлар бу даврдаги ҳарбий соҳани аниқ маълумотлар асосида ўрганиш имконини бермайди. Лекин шундай бўлса-да, улардаги ҳарбий соҳага оид маълумотлар аниқланиб,

бошқа асарлардаги маълумотлар билан таққосланган ва илмий хулосалар олинган.

Туркий – эски ўзбек тилидаги асарлар нисбатан камроқ бўлиб, улар ичида Бобурнинг “Бобурнома” асари ўрганилаётган мавзуга оид энг кўп маълумот берадиган асар ҳисобланади.

Эсдаликлар эса, мавзуга оид маълумотларни янада ойдинлаштиради. Чунки, муаллифлар ўзга юртда дуч келган ва ўзлари учун ажабланарли бўлган кичик деталларгача аҳамият бериб, уларни ўз кундаликларида қайд этиб кетишганки, бу маълумотлар соҳа тарихидаги айрим номаълум қолаётган дараёнларни аниқлаштиришга ёрдам бермоқда.

Мақолада Шайбонийлар даврида яратилган асарларнинг бугунги кунгача етиб келиши, сақланаётган жойи, ҳолати, таржимаси ва илмий ишлов берилиши билан боғлиқ асосий маълумотлар ҳам келтирилган ҳамда улардаги ҳарбий соҳа тарихига оид маълумотларнинг даражасига баҳо берилган.

Калит сўзлар: *манба, эсдаликлар, асар, таржима, қўлёзма нусха, жанг, қамал, қурол-яроғ, қилич, найза, камон, тўп, милтиқ, совут, қалқон, мудофаа.*

А. Замонов

Некоторые мнения об источниковедении военной системы Бухарского ханства в эпоху Шейбанидов

История периода Шейбанидов является одной из наименее изученных и требующей отдельного исследования тем в современном мире. В статье классифицируются персидские, турецкие и узбекские источники, а также воспоминания путешественников и послов, в которых содержатся данные о военной сфере, структуре и управлении армией в Бухарском ханстве периода правления Шейбанидов. Есть много источников по истории Дашти Кипчака, Мовароуннахра и Хорасана XVI века. Несмотря на то что, они не были непосредственно посвящены военной отрасли, из числа сведений о политических, социально- экономических и культурных процессах, были отобраны аспекты в рамках исследуемой проблемы и проведен научный обзор. Исходя из стиля повествования и положения автора, произведения периода Шейбанидов были классифицированы на три группы: 1) источники на персидском языке; 2) источники на тюркском – староузбекском языке; 3) воспоминания иностранных путешественников и послов.

Большинство источников написано на персидском языке, составляют большинство, в которых интерпретация исторических процессов тесно

взаимосвязана с мировоззрением, уровнем мышления и доминирующими религиозными взглядами автора. Именно поэтому, изложения с художественными метафорами, такими как «военно-морская армия», «многочисленные солдаты в песках пустыни», «бронетанковая армия, напоминающая железную гору», не позволяют изучать на основании точных данных военное дело того времени. Тем не менее в них были обнаружены сведения о военной сфере, которые в дальнейшем были сопоставлены с данными приведенными в других работах, и получены научные результаты.

В это время работ на тюркско-староузбекском языке было намного меньше, из них «Бобурнома» Бобура является ценным источником, содержащим больше сведений по вопросам исследуемого периода.

Мемуары, в свою очередь, проливают больше света на эту тему. Поскольку в них авторы обращают внимание на мельчайшие детали, с которыми они столкнулись в чужой стране и которые удивили их. Записанные в дневниках сведения, способствуют выявлению неизвестных сторон истории военного дела.

В статье также содержится важная информация о том, как произведения периода Шейбанидов дошли до наших дней, о месте их хранения, их состоянии, переводе и научной обработке, а также дана оценка уровню данных, касающихся истории военной отрасли.

Ключевые слова: *источник, мемуары, работа, перевод, рукопись, битва, осада, оружие, сабля, мяч, ружье, щит, пушка, лук, стрела, защита*

A. Zamonov

Some views on the military system of the Bukharan Khanate during the Shibanid period

The history of the Shibanid period is one of the least studied topics in the world today. The article examines works in Persian, Turkish and Uzbek, as well as travel literature that contains information about the military and army system and management of the Bukharan Khanate during the Shibanid period. There are many sources on the history of Dashti Qipchak, Mawarannahr and Khorasan in the 16th century. Although they are not dedicated to the military field, the information on the political, socio-economic and cultural processes presented in these sources serves as the basis for the present article. The works related to the Shibanid period are classified into three groups according to their languages and authors: 1) Persian language sources; 2) sources in Turkic/Old Uzbek; 3) Travel literature.

Most of the sources are written in Persian, in which the interpretation of historical events is closely related to authors' worldviews and religious views. Therefore, the descriptions made in these works using such metaphors as "naval army", "numerous soldiers in the desert sands", "armored army reminiscent of the Iron Mountain" do not allow us to study military history of this period on the basis of accurate data. Nevertheless, the author examines and draws conclusions on military history based on these works by comparing them with other sources.

There are relatively few works in Turkic/Old Uzbek, of which Babur's "Baburnama" is the most informative source on the subject from the period under study.

On the other hand, travel literature sheds more light on the subject because their authors paid attention to trivial details they encountered in foreign countries which were surprising to them. They recorded such details in their diaries, which helps us identify some less-known aspects of military history.

The article also provides additional information on the sources, especially dealing with military history, produced during the Shibanid period.

Keywords: *source, memoirs, translation, manuscript, battle, siege, weapon, sword, spear, bow, cannon, rifle, armor, shield, defense.*

С. Гуломов

Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган "Зиж" хусусида

Мир Муҳаммад Сиддиқ "Ҳишмат" ибн Амир Музаффар (1864–1927), тўлиқ исмидан ҳам кўриниб турганидек, Бухоро амири Музаффарнинг (1860–1885) ўғлидир. У валиаҳд шаҳзода эмас эди. Тарихдан маълумки, тахт Амир Музаффардан унинг Абдулаҳад (1885–1910) исмли ўғлига ўтади. Шундан сўнг Ҳишматнинг 35 йил умри Бухоро аркидан ташқарига чиқиш ҳаққидан маҳрум ҳолда кечган. Яъни Амир Абдулаҳаддан кейин 1910 йилда унинг ўғли Амир Олимхон (1910–1920) тахтга келганидан сўнг ҳам бу тақиқлар давом этган. Фақат Бухоро Республикаси ташкил этилганидан кейин Ҳишмат 1923 йилнинг июль ойида Афғонистоннинг Кобул шаҳрига жўнаб кетади. Муқояса учун шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, бунга ўхшаш қисмат Амир Музаффарнинг яна бир ўғли Носириддин тўра[1] "Тўрайи

[1] Носириддин тўранинг ҳаётига доир маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Унинг "Таҳқиқоти арки Бухоро", "Туҳфат аз-зоирийн", "Осор ас-салотин" ва "Кунуз ал-атқиё" номли асарлари бизгача етиб келган [13: 11].